Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ ВА СТИПЕНДИЯЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Нарх-навонинг эркинлашуви шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1998 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 1100 сўм;

кексалик пенсияси — ойига 2100 сўм;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади — ойига 1100 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич разряд — ойига 1100 сўм;

болаликдан ногирон бўлганларга бериладиган нафақа ойига 2100 сўм миқдорида;

кекса ёшдаги ҳамда зарур иш стажига эга бўлмаган меҳнатга яроқсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 1275 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1998 йил 1 июлдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 бараварга оширилсин.

3. 1998 йил 1 июлдан бошлаб пенсияларнинг барча турлари ўрта ҳисобда 1,6 бараварга оширилсин. Турли йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдорини тенглаштириш мақсадида, 1991 йил 1 январга қадар тайинланган пенсияларнинг барча турлари миқдори ўрта ҳисобда 1,7 бараварга, 1991 йилдан бошлаб тайинланган пенсиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,5 бараварга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Молия вазирлиги ўн кунлик муддат ичида пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда пенсияларнинг барча турларининг оширилган аниқ миқдорларини белгиласин.

4. Энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган иш ҳақига устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, оналарга фарзанди икки ёшга етгунича парвариш қилиш учун бериладиган, болали оилаларга бериладиган нафақалар ва бошқа тўловлар 1998 йил 1 июлдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молиявий таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим окладлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республиканинг давлат бюджети ва пенсия фонди ҳисобидан қопласин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган базавий фонди миқдоридан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатини камайтириш ҳисобидан 1998 йил 1 июлдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ амалга оширсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 майдаги УП-1755 рақамли Фармони, 8-моддасидан ташқари, ўз кучини йўқотган, деб ҳисобласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 июнь.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 11 июнь, пайшанба • № 69 (22.306).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ РИВОЖИ – УСТУВОР ЙЎНАЛИШ



СУРАТДА: учрашув пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов туркийзабон мамлакатлар давлат раҳбарларининг бешинчи саммити ва Қозоғистон Республикаси янги пойтахтининг халқаро тақдимот маросимида иштирок этиш учун 9 июнь куни Остона шаҳрига ташриф буюрди.

Аэропортда Президент Ислом Каримовни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Шу куни янги пойтахт — Остона шаҳрида туркийзабон мамлакатлар давлат раҳбарларининг бешинчи учрашуви бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, аввалги — тўртинчи саммит бундан бир ярим йил бурун Тошкентда бўлган эди. Остона учрашувида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев ҳамда Туркманистон Мажлиси Раиси Саҳат Муродов қатнашди.

Учрашувда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида минтақавий интеграциялашувни янада чуқурлаштириш масалалари туркий тилли давлатлар ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Саммитда минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Янги аср бўсағасида туркийзабон давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида теран ўзгаришлар босқичидан ўтаётгани ва бу ҳолат ўзаро алоқаларда ўз аксини топиши лозимлиги таъкидланди.

Анжуманда туркийзабон мамлакатлар давлат раҳбарлари бешинчи учрашувининг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналишларини акс эттирган ва минтақавий алоқаларни чуқурлаштириш, маданий-маънавий ҳамкорликни кучайтиришни кўзда тутган Декларация ҳамда Учрашувлар Котибияти тўғрисидаги Низом қабул қилинди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклифига биноан, туркийзабон мамлакатлар давлат раҳбарлари бешинчи саммитининг Покистон ва Ҳиндистонда ўтказилган ядро қуроли синовлари борасидаги Баённомаси эълон қилинадиган бўлди.

Эртаси куни — 10 июнда туркийзабон мамлакатлар давлат раҳбарлари Остонада сиёсий қатағон қурбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига ташриф буюрдилар. Бу ерда давлат раҳбарлари ва фахрий меҳмонлар хиёбони қурилишига пойдевор қўйиш маросими бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги расмий делегация Қозоғистоннинг янги пойтахти — Остона шаҳрининг халқаро тақдимот маросимида иштирок этди. Ислом Каримов шу муносабат билан ўтказилган тантанали йиғилишда нутқ сўзлаб, Қозоғистон халқини янги пойтахт билан самимий қутлади.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Файзуллаев, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Аҳмад АЪЗАМ (ЎзА).

Жаноб Президентлар!

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Қозоғистон ҳукумати, шахсан Президент Нурсултон Назарбоевга қозоқларга хос анъанавий меҳмондўстлик ҳамда туркий тилли давлатлар бошлиқлари учрашувининг яхши ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Бу анжуман бешинчи учрашувимиз бўлиб, биз ҳамжамиятимиз доирасида ҳамкорлик қилиш борасида етарли тажрибага эгамиз. Бизни қай даражадаги маънавий ва тарихий ноёб мерос яқинлаштирганини яхши биламиз, туркий тилли халқлар етакчилари анжумани доирасидаги ҳамкорлигимизнинг қай даражада катта имконият ва истиқболга эга эканини аниқ тасаввур қиламиз.

Биз барчамизни бирлаштириб турган муҳим омил — туркий тилли халқларнинг тарихий, маънавий ва маданий яқинлиги эканини жуда яхши англаймиз. Вақт бизнинг ҳамкорлигимиз энг аввало ҳар бир мамлакат манфаатларининг барчамизнинг узоқ муддатли ҳамкорлигимиз талабларига жавоб берадиган умумий мақсадларга мос келиши туфайли ривожланиб бораётганини кўрсатди.

Анжуманимизга давлатларимизнинг турли даражадаги иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқаларига ҳар томонлама кўмаклашиш ва уларни кенгайтиришга зарар етказадиган сиёсий, бунинг устига, ҳарбий-сиёсий тус бериш барчамиз учун номақбулдир.

Муҳтарам давлат бошлиқлари ва вакиллари!

Энг аввало, давлатларимиз манфаатлари муштараклигидан келиб чиққан ҳолда, тарихимизнинг учинчи минг йиллиги арафасида барчамизни ташвишга солаётган энг муҳим муаммоларни қайд этиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Шу пайттача имзоланган, парламентларимиз томонидан ратификация қилинган икки томонлама ва кўп томонлама шартнома ҳамда битимларнинг амал қилиниши ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари биринчи ўринда туради.

Гап энг аввало, миллий манфаатларга, барқарорликни таъминлаш манфаатларига, давлатларимизнинг ҳудудий бутунлиги ва ҳавфсизлиги талабларига жавоб берадиган тенг ҳуқуқли ва фойдали ҳамкорлигимизнинг ҳали тўла юзага чиқарилмаган улкан имкониятлари ҳақида кетмоқда.

Минтақамиздагина эмас, чегараларимиз яқинида мавжуд бўлган муайян ҳолат ва юз бераётган воқеалар ривожи ҳам кун сайин бутун дунёдаги энг йирик давлатлар эътиборини кўпроқ тортаётган минтақамиз давлатларида интеграцион жараённи янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришни тақозо этади.

Бугунги кунда биз диний экстремизм тарқалиши туфайли тобора ошиб бораётган хавфдан, Жанубий Осиёда ядро қуролига эга бўлишга интилаётган давлатлар тобора кўпайиши билан боғлиқ хатардан кўз юмишимиз мумкин эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда, минтақавий интеграциялашувни янада чуқурлаштириш масалалари туркий тилли давлатлар ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи керак.

Марказий Осиёдаги давлатларнинг жўғрофий ўрни минтақанинг транспорт масаласидаги ўзига хос муаммоларини ҳал этишга қаратилган коммуникацион лойиҳаларни амалга оширишни тақозо этади. Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаётган ҳамда яхшигина молиявий базага эга бўлган кўп йўналишли ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш — Европа қитъасига йўл очиб берадиган Транскавказ йўналишига эга бўлишимизга аниқ имконият яратади.

Уюшган жиноятчилик, террорчилик, наркотик моддаларнинг ғайриқонуний тарқатилиши ва сотилишига қарши кураш мамлакатларимиз ҳамкорлигининг асосий йўналиш ва мазмунига айланиши керак.

Афсуски, алоҳида эътибор талаб қиладиган бу муаммолар бўйича саъй-ҳаракатларимизни ҳали етарли даражада мувофиқлаштира олганимиз йўқ.

Орол фожиаси — инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фалокатлардан бири ҳисобланади. Орол муаммоси бугунги кунда, ҳақиқатан ҳам, умумбашарий муаммога айланган бўлиб, унинг биологик мувозанатнинг бузилишига таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ сезилмоқда, у жуда кенг ҳудудлардаги аҳоли ирсиятига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда.

Бироқ, шуни афсус билан эътироф этиш лозимки, кўп ҳолларда Орол фожиасининг мамлакатларимиз аҳолиси соғлиғи ва ҳаётига ҳалокатли таъсирини англашимиз бу фактни қайд этишдан нарига ўтмаяпти.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳозирги босқичда Марказий Осиё давлатлари учун миллий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ўсиб келаётган авлодни XXI аср талаблари ва муаммоларига жавоб берадиган ҳолда ҳар томонлама тайёрлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун халқаро тузилмаларнинг ресурс, имконият ва инвестицияларини жалб этиш — энг муҳим масаладир.

Гап ҳамкорлигимиз истиқболлари ҳақида кетар экан, **туркий тилли давлатлар жаҳон ҳамжамиятининг табиий ва фаол бир қисми бўлиб, уларнинг эшиги тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида бошқа барча мамлакатлар билан ўзаро фойдали, самарали ҳамкорлик қилиш учун очиқ** эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Тожикистоннинг Марказий Осиёдаги учта мамлакат — Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг интеграциялашув жараёнига қўшилиши бунинг ёрқин далилидир. Назаримда, айнан мана шу ғоялар туркий тилли давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашуви Декларациясининг асосини ташкил этиши лозим.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ҳамкорлиги ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар бераётганини мамнуният билан қайд этиш мумкин. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу ҳамкорлик доирасида йирик халқаро консорциумлар тузиш, қимматли қоғозлар бозорини барпо этиш ҳамда бутун минтақа иқтисодиёти учун зарур бўлган бошқа дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Сўнгги йиллардаги муносабатларимиз тарихига назар солсак, энг аввало, халқларимизнинг маънавий жиҳатдан қайта тикланиш, аждодларимиз қолдирган улкан маданий меросни чуқурроқ ўрганишга бўлган интилиши кўзга ташланади.

Биз кишиларимизнинг тафаккур тарзи, бугунимиз ва келажагимиз истиқболи кўп ҳолларда халқларимиз жаҳоннинг маданий хазинасига қўшган маънавий қадриятларнинг тарихий моҳиятини англаш ва чуқур идрок этиш билан белгиланишини унутмаслигимиз лозим.

Буюк аждодларимиз, халқ достонлари, Шарқ дурдоналари бўлмиш қадимий шаҳарларимиз юбилейларини биргаликда ўтказиш ҳам яхши анъанага айланиб қолган. Бундай маданий анжуманларни ташкил этиш ва ўтказиш тарихий илдизи бир, тили ва маданияти яқин халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бу йил ЮНЕСКО қарори билан иккита катта юбилей — Имом ал Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ҳамда буюк олим ал Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги нишонланади.

Имом ал Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди бизга у зот ҳақида ўз давридан анча илгарилаб кетиб, халқларни бирлаштира олган, турли миллатларни ислом фалсафаси ва динининг мангу инсоний идеаллари атрофида жипслаштирган инсон сифатида гапириш ҳуқуқини беради.

Буюк астроном, муҳандис ва тадқиқотчи ал Фарғоний номи бутун маърифий дунёда машҳурдир.

Кўпгина асрлар мобайнида денгизчи ва карвонбошилар фойдаланган, юлдузларнинг бурчак ҳаракатини ўлчайдиган асбоб — устурлобни ўша зот кашф қилган.

Мисрдаги Нил дарёси сатҳини аниқ белгилаб берадиган, бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган улкан иншоот — нилометрни ўша зот барпо этган. Биз ана шундай буюк аждодларимиз номини фахр билан тилга олиш ҳуқуқига эгамиз.

Шу муносабат билан ЮНЕСКО Ижроия Қўмитасининг жаҳон ва минтақа доирасида улкан аҳамият касб этган атоқли арбоблар, асарлар ва воқеаларни нишонлашнинг асосий мезонларини белгилаб берган 154-сессияси қарори ниҳоятда ўз вақтида қабул қилинганини эътироф этиш жоиз. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, бу саналарнинг ҳар бири халқларни бир-бирига яқинлаштиришга, маданий мулоқотга, ўзаро аҳиллик ва бир-бирини англашга кўмаклашиши лозим.

Давлатларимиз ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган йиллар мобайнида маданият соҳасидаги алоқаларимиз сезиларли даражада мустаҳкамланди. Мисол учун, Ўзбекистонда Қозоғистон ва Қирғизистон маданияти кунлари, Қозоғистонда эса, Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди.

Тошкентда «Туркистон — умумий уйимиз» конференцияси ўтказилиб, унинг натижаси ўлароқ, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ташкил этилди.

Буларнинг барчаси тарихан шаклланган миллий маданиятлар, халқларимизнинг урф-одат ва анъаналари, яхши қўшничилиги сингари табиий жараёнлардан далолатдир.

Тарихий воқеалар замирида Қозоғистоннинг янги пойтахти — Остонанинг тақдимот маросими ва бу воқеанинг байрам қилиниши халқларимиз ва давлатларимиз ҳаётида муҳим босқич ва фахр-ифтихор манбаи бўлишига аминман.

Қозоқ халқи ва унинг раҳбари Нурсултон Назарбоевни бу тарихий ва ажойиб воқеа билан чин қалбимдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам давлат бошлиқлари!

Бизнинг Қозоғистон диёридаги бу учрашувимиз ўзининг муайян натижаларини бериши ҳамда давлатларимиз ўртасидаги интеграциялашув жараёнларини янада ривожлантиришга, халқларимизнинг бир-бирини маънавий бойитишига хизмат қилишига ишончимиз комил.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Бу дунёнинг ишлари

ДАВЛАТЛАРАРО КОРПОРАЦИЯ ШУ ЙИЛИЁҚ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Россия билан Ўзбекистон иштирокидаги «Ильюшин» давлатлараро ягона корпорацияси шу йилиёқ ташкил этилади. «Ильюшин номидаги авиация мажмуи» ҳиссадорлик жамиятининг бош директори Генрих Новожилов мухбирларнинг саволларига жавоб бериб, шундай деди. Корпорацияни ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. Новожиловнинг сўзларига қараганда, корпорация таркибига «Ильюшин номидаги авиация мажмуи», Воронеж самолётсозлик акционерлик жамияти ва В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси киради. Бош директорнинг айтишига кўра Россия билан Ўзбекистон ўртасида бундай корпорация тузиш ҳақидаги шартномага 1995 йили имзо чекилган эди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Москвага қилган ташрифи давомида эса авиация соҳасидаги ҳамкорликдаги «энг муҳим» ҳамкорликка келишиб олинди. Ўйлаймизки, яқин келажакда авиация соҳасидаги кучли корпорация вужудга келади.

ҚУРОЛЛИ ГУРУҲЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТАДИ

Шу йилнинг 15 июнидан бошлаб Бирлашган Тожикистон мухолифатининг Афғонистон ҳудудидаги қуролли гуруҳлари яна Тожикистонга қайтарила бошлайди. Бу ҳақда миллий тотувлик бўйича комиссиянинг кичик комиссияси раиси Ҳабиб Сангинов, Тожикистон ҳукумати Бош вазирининг ўринбосари Абдураҳмон Азимов республиканинг бошқа раҳбарлари иштирокидаги кенгашда айтдилар. Бирлашган Тожикистон мухолифати қуролли гуруҳлари БМТ ҳарбий кузатувчилари назорати остида Гарм, Тожикобод ва Тавилдара туманларига қайтарилади. Ҳозирги пайтда Афғонистонда 500 га яқин жангчи бор.

ТОЛИБЛАРНИНГ НИЯТИ ПУЧГА ЧИҚМОҚДА

Толибонлар 1996 йилда мамлакат пойтахтини эгаллаб олганларидан сўнг улар Афғонистоннинг учдан бир қисмини назорат қилиб турибмиз, деб айтишган эди. Энди эса улар ушбу ҳудудлардан жудо бўлишди. Бу ҳақда Афғонистоннинг собиқ президенти Бурҳониддин Раббоний БМТнинг махсус сессияси ишида айтди. Унинг айтишига кўра толиблар фақат пойтахт атрофидаги вилоятларни эгаллаб туришибди. Бундан ташқари толиблар эгаллаб турган ҳудудлар қум-тошлардан иборат саҳролардир. Айни пайтда Афғонистондан олинган хабарларга кўра Кундуз ва Бадғис шаҳарлари атрофларида қаттиқ жанглар давом этмоқда. Шимолий иттифоқ қўшинлари Прован вилояти атрофида ҳужумларни кучайтиришди. Толибларга қарши кучлар вакили Муҳаммад Хон Хармдорнинг айтишига кўра «Хезби ваҳдад» шиалар қўшини Карим Халилий раҳбарлигида Провандаги тўртта маъмурий туманни эгаллаб олган. Аҳмад Шоҳ Масъуд қўшинлари эса Қобулдан 15 километр шимолда жанговар ҳаракатларни тобора кучайтирмоқда. Ҳужумларнинг натижалари ҳақида ҳозирча хабарлар йўқ. Толибларга қарши кучлар яқин кунларда мамлакат пойтахтига ялпи ҳужум қилиш учун ҳозирлик кўришмоқда.

ЖИНОЯТЧИ ГУРУҲ ФОШ ЭТИЛДИ

Россия Федерал хавфсизлик хизмати ва Бош прокуратура Россия давлат статистика қўмитасидаги уюшган жиноятчи гуруҳни фош этди. Бу гуруҳда 20 дан зиёд киши бўлиб, улар асосан давлат статистика қўмитасининг раҳбар ходимларидир. Ушбу гуруҳ 1994-1998 йиллар давомида йирик миқдордаги пул маблағларни ўғирлаш билан шуғулланишган. Ҳибсга олинганларнинг хонадонлари текширувдан ўтказилганда, улардан бир ярим миллион АҚШ доллари топилди. Ундан ташқари кўплаб заргарлик буюмлари ҳам тортиб олинди.

ХДП хабарлари

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРИ КЎРСАТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасининг шу йил 9 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида республика Олий Мажлисига бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатликка номзодлар кўрсатиш масаласи кўриб чиқилди. Сиёсий Ижроқўм Ўзбекистон Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш бўйича 28-Чинобод, 95-Шаҳанд, 100-Камарсада, 183-Абдулла Қодирий, 200-Қудаш, 227-Косон сайлов округларидан, тегишли равишда, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ш. Жалилов, «Наманганқурилиш» трести бошқарувчиси З. Абдуллаев, Поп тумани «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси А. Аброров, Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М. Собиров, Ўзбекистон тумани Тагоб қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Ҳ. Усмонова, Муборак газни қайта ишлаш заводининг директори Н. Зайниевнинг номзодини Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатишга қарор қилди.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси тегишли вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашларига сайловолди ташкилий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот ишларини тезкорлик билан йўлга қўйиб, партиямиздан кўрсатилган барча номзодларнинг сайловчиларнинг аксарияти томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш вазифасини топширди. Партия марказий ва маҳаллий нашрлари таҳририятлари зиммасига сайловчиларни номзодларнинг таржимаи ҳоли билан кенг таништириш ҳамда ушбу сайлов билан боғлиқ бошқа ашёларни эълон қилиб бориш юклатилди.

Мажлисда, шунингдек, партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, улар юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

СЕМИНАР-КЕНГАШ

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Касби тумани партия ташкилоти негизида партиямизнинг Касби, У. Юсупов, Муборак, Баҳористон, Косон туман кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлари котиблари, ундан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фаоллар иштирокида семинар-кенгаш ўтказди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов, Касби туман партия кенгашининг биринчи котиби М. Шониев, Муборак туман партия кенгашининг биринчи котиби А. Садинов, Касби туманидаги Х. Хўжақулов номли пайчилик жамияти бошқаруви раиси Э. Турсунқулов, Касби туманидаги Ш. Рашидов номли ёпиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ҳиссадорлик жамияти бош иқтисодчиси А. Худойбердиев ва бошқалар партия ташкилотлари, фаолларнинг асосий эътиборини мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари X сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратдилар. Ушбу йўналишда оммавий-сиёсий, ташкилий партиявий, парламентчилик ишини кучайтириш чора-тадбирларини кўриш, юртбошимиз нутқининг мазмун ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш хусусида келишиб олинди.

Семинар якунида партияга янги қабул қилинганларга аъзолик билетлари топширилди. «Маърифат» марказлари кўрик-конкурси ғолибларига эсдалик совғалари берилди.

Р. РАЖАБОВ

1991 – 1998 МУСТАҚИЛЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК



И. КАРИМОВ:

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ – ЎЗБЕКНИНГ БАХТИ –

Маълумки, тарихи, илдизи, тили бир бўлган ўзбек ва қорақалпоқ халқлари азал-азалдан барча қийинчиликларни енгиб, бир-бирининг яхши-ёмон кунларига шерик бўлиб келган халқ. Агар ўтмишга назар соладиган бўлсак, ота-боболаримиз бирга ўлкамизни турли хил бало-қазолардан асраб келишган. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришганлиги туфайли эса ана шу қон-қардошлигимиз янада мустаҳкамланди, иқтисодий имкониятларимиз кенгайди. Энг муҳими биз дунёга, дунё бизга юз тутди.

Яқинда юртбошимиз «Ўзбекистоннинг келажаги -- Қорақалпоғистоннинг келажагидир. Ўзбекнинг бахти -- қорақалпоқнинг бахтидир», деб бежизга айтмади. Сабаби мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўтган қисқа вақт ичида республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида улкан тарихий ўзгаришлар юз берди. Хусусан,

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан етти йил ичида республикамиз хомашё базасидан саноатлашган ўлкага айланди. «Катекс», «Элтекс» тўқимачилик мажмуилари, Хўжайли шаҳридаги шиша ишлаб чиқариш корхонаси, Нукусдаги мармар заводи, спирт ишлаб чиқариш цехи, Тўрткўл ва Қўнғирот шаҳарларидаги ун заводлари, ўнга яқин туманларда замонавий «Винклер» новвойхоналари ишга туширилиб маҳсулот бера бошлади. Бундан ташқари республикамизда бира тўла 11 та қўшма корхона фаолият кўрсата бошлади. Ана шу корхоналарнинг самарали ишлаётганлиги туфайли ўтган йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 101,7 фоизга бажарилди. Бу 1996 йилга нисбатан 1,7 фоизга кўпдир. Шунингдек,

1

республикамиз улкан қурилиш ва хорижий сармояларни жалб қилиш майдонига ҳам айланмоқда. Жумладан, бугунги кунда Нукус -- Тўрткўл -- Учқудуқ -- Навоий, «Мискин-- Султонувайс бобо» темир йўллари, республикамизни Қозоғистон орқали Европа билан боғлайдиган Қўнғирот -- Бейнеу тош йўллари қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон бўйича тузилган инвестиция режасига кўра, Қўнғирот сода заводи қурилишига Германиянинг «Берлинер» банки, Нукус шаҳрини сифатли, тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун халқаро Қувайт жамғармасидан, Хўжайли кема таъмирлаш заводи эса Малайзиянинг «Альфа-- Сьера» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этишлари учун қарийб 60 миллион

2

долларлик сармоя сарфланиши кўзда тутилмоқда. Айни пайтда «Қорақалпоғистон» иссиқхона хўжалигида Исроилнинг «Нетахим» компанияси билан ҳамкорликда томчилатиб суғориш усулининг жорий қилинганлиги ҳам яхши натижалар бермоқда. Унда етиштирилаётган полизчилик маҳсулотларини қисқа муддатда тайёрлаш имконини беряпти. Шу боис республикада сув танқислигини ҳисобга олиб, бу самарали усулни яна 120 гектарлик очиқ майдонда амалга ошириш мўлжалланяпти.

Ўтган вақт давомида саноат корхоналарини хусусийлаштириш, кўчмас мулк биржалари ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил қилиш, уларнинг ишини ривожлантириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Масалан,

РАҚАМЛАРДА ҲАЁТ АКС ЭТАР

Қорақалпоғистон Республикаси майдони 164,9 минг квадрат километр, аҳолиси 1462,3 минг киши.

* * *

Аҳолисининг 32,1 фоизини қорақалпоқлар, 32,9 ўзбеклар, 26,3 қозоқлар, 5,0 туркманлар, 0,1 қирғизлар, 1,6 руслар, 0,8 корейслар, 0,6 татарлар, 0,2 фоизини украинлар ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади.

* * *

Қорақалпоғистонда 15 та туман, 12 та шаҳар, 16 та шаҳар типидаги қўрғон, 117 та овул мавжуд. Пойтахти Нукус шаҳри.

* * *

500 мингдан зиёд киши халқ хўжалигида банд бўлиб, шундан 180 минг киши қишлоқ хўжалиги, 70 минг киши халқ таълими, 40 минг киши саноат, 30 минг киши қурилиш, шунча киши соғлиқни сақлаш соҳаларида ишлайди.

* * *

140 та ўрта ва йирик саноат корхоналари мавжуд бўлиб, шундан 28 таси давлат, 18 таси хусусий, 49 таси жамоа, 43 таси ҳиссадорлик ва 11 таси қўшма корхоналардир.

* * *

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон гази республиканинг энг шимолий Тахтакўпир туманига етиб борди, туманда йирик сув чучуклаш иншооти ишга туширилди.

* * *

Урга газ конининг биринчи навбати ишга тушди. У ердан кунига 1,5 миллион куб метр табиий газ ва 10 тонна газ конденсати олина бошлади.

* * *

1997 йилда Қорақалпоғистоннинг миллий даромади 27780,8 миллион сўмга етди.

* * *

1993 йилнинг 9 апрелида Қорақалпоғистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинди.

ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Бу кўҳна заминда турли-туман йўқотишлар кўп бўлган. Аммо, инсоният цивилизациялашган дунёга қадам қўяётган бир шароитда ана шундай фожиа – Оролнинг ҳалокатга юз тутаётганлиги ғоятда ачинарлидир. Чунки, Орол дарди нафақат Марказий Осиё халқларининг, балки дунё халқларининг ҳам дардидир. Бу ҳақда матбуотда кўплаб мақолалар берилди. Олимлар эса бу борада ўзларининг янги-янги ғоялари билан чиқишди. Ҳаттоки, Сибирь дарёлари ва Каспий денгизи сувларини Оролга буриш тўғрисидаги лойиҳаларни тиқиштиришди. Аммо, уларнинг барчаси таги пуч ғоялар эканлиги маълум бўлди.

1991 йилга келиб, Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришгач, орадан бир йил ўтиб, минтақадаги бешта давлат сув хўжалиги вазирларининг ва 1994 йилда эса давлат раҳбарларининг Орол муаммоларига бағишланган йиғинлари бўлиб ўтди. Ниҳоят, 1995 йилда Нукусда БМТ раҳнамолигида бўлиб ўтган халқаро анжуманда Орол минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш бўйича аниқ ҳаракат дастури белгилаб олин-



ди. Шундан бошлаб халқаро Орол жамғармасига кўплаб давлатлардан амалий ёрдам кела бошлади. Шу бугунгача эса жамғармага 13 миллион 920 долларлик маблағ келиб тушди. Ҳозирча ушбу маблағнинг қарийб 500 минг долларига «Тез ёрдам» машиналари, микроавтобуслар харид қилиниб, соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳрибонлик уйларига совға қилинди. Шунингдек кам таъминланган оилаларга, болалар боғчаларига ёрдам берилди. Бундан ташқари Оролбўйи аҳолисининг бутун меҳнат имкониятларини ишга солиш мақсадида уларнинг фермер хўжаликлари тузишлари, кичик корхоналар барпо этишлари учун узоқ муддатли, фоизсиз кредитлар бериш мўлжалланмоқда.

«ЭЛТЕКС»НИНГ ЭКСПОРТ ҚУВВАТИ ОРТМОҚДА



Элликқалъа туманида Туркиянинг «Язекс» фирмаси билан ҳамкорликда ишга туширилган ушбу корхона маҳсулотларига нафақат мамлакатимизда, балки қўшни Ҳамдўстлик давлатларида ҳам талаб ортиб бормоқда. Ўтган йили ишлаб чиқарилган пахта толаси, калава ип, жинси матолари ва улардан тайёрланган туркум маҳсулотларнинг қарийб 338 минг долларлиги четга экспорт қилинган бўлса, бу йил хориждан яна 568 минг долларлик маҳсулот тайёрлаб бериш юзасидан буюртма қабул қилинди.

Бундан ташқари корхонанинг Москва ва Волгоград шаҳарларидаги савдо уйларига ҳам етарли миқдорда тайёр маҳсулотларни жўнатиш режалаштирилмоқда.

УСТ-ЮРТ КЕНГЛИКЛАРИДАГИ ШАҲАРЧА



Қўнғирот сода заводи қурилиши жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Асрлар мобайнида уйқуда бўлган Уст-Юрт кенгликларига қайтадан жон ато қилинмоқда. Қўнғирот сода заводининг барпо этилаётганлиги муносабати билан бу ерга мамлакатимизнинг ўндан ортиқ йирик корхона ва ташкилотларининг муҳандис-техник ходимлари, қурувчилар жалб қилинган. Янги ишга туширилажак корхонада иш икки сменада ташкил қилинганлиги боис, бу ерда қурилиш-монтаж ишлари бир зум ҳам тўхтаганича йўқ.

2000 йилда фойдаланишга топшириладиган мазкур корхонада 160 минг тонна кальцийли сода, 150 минг тонна каустикли ва озиқ-овқат содалари ҳамда 200 минг тоннадан зиёдроқ ош тузлари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган ушбу корхона учун айнан Қўнғирот туманининг танланганлиги бежиз эмас. Сабаби бу ерда улкан миқдордаги битмас-туганмас ош тузи ва оҳактошдан иборат хомашё мавжуддир.

Корхона тўлиқ қувват билан ишга тушгач, унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини хорижга ҳам экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади. Шу боис ҳозир бу ерда яна қарийб 15 минг аҳоли истиқомат қиладиган шаҳарча ҳам барпо этишмоқда. Шубҳасизки, бу улкан корхона келгусида мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади.

СУРАТДА: сода заводи лойиҳаси.

ДИВИДЕНДГА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

Тўрткўл туманидаги тўқимачилик-тикувчилик ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида мавжуд тўқув дастгоҳлари ғоятда эскирганлиги боис бу ерда тайёрланаётган дока, сурп маҳсулотларининг сифати талабга жавоб бермай қолганди. Бу эса харидорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганди.

Яқинда корхона маъмурияти ҳиссадорларга бериладиган дивиденд ўрнига Швейцариянинг «Ритепр» фирмасидан 30 та тўқув дастгоҳи харид қилди. Ҳозирча цехга ўрнатилган 5 та ускунада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўзининг пишиқлиги, тозалиги ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

«МЕНИ ДУНЁ ТАНИЙДИ»

- дейди берунийлик Бозорбой Болтабоев

Бозорбой аканинг Беруний шаҳрининг қоқ ўртасида «ўтов-чойхонаси» бор. Бу ерга келганлар кабобдан сўнг саксовулнинг ўтида шақиллаб қайнаган қумғондан ажойиб таъмли чойини ичишади.

Бозорбой аканинг бир одати бор. Жума намозидан қайтаётган отахонларни ўтовга бир пиёла чойга таклиф этади. Чойхонада хизмат қиладиган икки ўғилга ҳам шипшитиб қўйган: «Моддий кўмакка муҳтож оилаларнинг кексаларидан пул олманг...»

Бир вақтлар қассоб бўлган Бозорбой ака туманнинг «ўтириб қолган» бўрдоқичилик корхонасини хусусийлаштирди. Ҳозир чойхонаси ёнидаги дўконида гўшт бошқа ерлардагига нисбатан ҳамиша 20-30 сўм арзон. Маҳсулотни ўзлари етиштираётганидан бу.

Энди гапнинг «бердиси»ни эшитинг.

-- Масалан, мен Америкагами, Японияга борсам, Бозорбой чойхоначиман, десам, танишадими? -- дўстидан сўрайди у.

-- Сени қачон келар экан, деб кимнинг кўзи учиб турган экан у ёқда,- яқин дўсти эмасми, гапни «тўқ» эткизади-қўяди.

Бозорбой ака сираям хафа бўлмайди.

-- Ернинг думалоқ шаклда эканини, Ер ўз ўқи атрофида айланишини биласанми? Ана ўшани менинг бобом Абу Райҳон Беруний кашф қилган. Мен ўша Беруний туғилган шаҳарданман, дейман мени танимайдиган чет элликка. Ана ўшанда мени танишади.

Бу йил аллома Беруний таваллудининг 1025 йиллиги нишонланади. Яқингинада, Беруний хоки Афғонистоннинг Ғазна вилоятидан Беруний шаҳрига олиб келиб қўйилганида, зиёратга чиққан минглаб одамлар орасида Бозорбой ака ҳам бор эди. Тарихий Кат қалъаси ўрнида барпо этилажак 11, 5 гектарлик Беруний музей мажмуи қурилиши учун ўтказилган хайрия марафонида Бозорбой ака ўзининг совғаси -- кўкка сапчиймай деб турган отни майдонга етаклаб чиқди. Ўша отнинг ўрнига -- 40-50 минг сўм берса ҳам бўларди. Лекин қандайдир рамзий совға қилгиси келди. От -- гурур, от -- шон-шараф, от -- улуғворлик,- дейди Бозорбой ака.

ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

ўтган йили 87 та ҳиссадорлик жамиятининг 92 миллион сўмлик, шу йилнинг 4 ойида эса 19 миллион сўмлик акциялари биржалар орқали сотилди. Бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган 10 мингдан ортиқ хўжалик субьектларининг қарийб 82 фоизи нодавлат секторни ташкил этади. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қарийб 95 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Нукус шаҳри ва бошқа шаҳар ва туманлар марказларини ободонлаштириш, деҳқон бозорларининг аҳволини яхшилаш борасида ҳам кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Чунончи, республика марказий бозорини қайта қуриш, кенгайтириш, харидорлар ва сотувчилар учун қулайликлар яратиш учун қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Айниқса, сўнгги пайтларда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Узунлиги 243 километрлик бўлган Туямўйин -- Нукус сув омборининг ишга туширилганлиги айни муддао бўлди. Ушбу сув омборининг иккинчи навбати ҳам яқин ойлар ичида ишга туширилади. Ҳозирча эса аҳолининг 59,8 фоизи тоза ичимлик суви, 85,7 фоизи табиий газ билан таъминланди.

Овул инфраструктурасини яхшилаш бўйича ҳам махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ўтган йили 8 та овул шифокорлик пункти, 7 та мактаб қурилди, 223 километрлик сув, 373 километрлик газ қувурлари тортилди. Шунингдек, овулларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам цехлар барпо этилмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида мавжуд майдонларнинг асосий қисми деҳқон-фермер хўжаликларига ва ижарачиларга бўлиб берилди. Шу боис табиат инжиқликлари, сув танқислигига қарамасдан бир қатор туманларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш режаси ортиғи билан уддаланди. Хусусан, ўтган йили Қорақалпоғистонда 269 минг 479 тонна пахта тайёрланди. Бу 1996 йилдагига нисбатан 65 минг 558 тоннага кўпдир. Айниқса, Элликқалъа туманидаги Ал-Хоразмий деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидаги фермерлардан Қурбонбой Нуримбетов, Азимбой Ризаевлар ўзларига бириктирилган майдонлардан оқилона фойдаланишиб, ҳар гектар пахта майдонидан 38-40 центнердан ҳосил кўтаришиб, йилига 100-120 минг сўмдан соф фойда олишмоқда.

Албатта, шу ўринда ўлкамизни экологик аҳволига ҳам тўхталиб ўтмасдан илож йўқ. Чунки, Орол денгизи тобора қуриб бораётган бир шароитда ундан кўтарилаётган тузли чанг-тўзонларнинг олдини олиш жуда муҳимдир. Шу боис ҳозир Орол денгизи ҳудудига 1 миллион 38 минг гектар майдонга саксовул экилмоқда, теракзор, боғдорчилик ривожлантирилмоқда.

Сўзимнинг якунида шуни хулоса қилиб айтишни истардимки, юқорида санаб ўтилган барча ютуқларимиз халқларимизнинг тотувлиги, жипслиги, оға-инилиги ва мамлакатмиз Президентининг оқилона олиб бораётган сиёсати туфайли эришилди. Ўйлаймизки, яна қисқа вақтлардан сўнг мамлакатмиз иқтисодиёти янада ривожланади, халқимиз фаровонлиги яна бир юксак чўққига кўтарилади.

Темур КАМОЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси.

3

4

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИДИР. ҚОРАҚАЛПОҚНИНГ БАХТИДИР»





Мармар кони



Ўлкашунослик музейида

Гулистон МАТЁҚУБОВА

САЛОМ, МЕНИНГ ОНА ЮРТИМ

Тўрткўлга темир йўл келди

Салом, менинг она юртим,
армонли юртим,
Тонгларингдан истиқлолнинг
шамоли келди,
Йиллар кутиб тахтга етган
давронли юртим,
Боболарим ўтган йўлнинг
давоми келди.

Бу йўлларда из қолдирган
на бир замонлар
Салтанатли Хоразмшоҳ,
туркий ҳоқонлар,
Жонин тикиб шаҳид кетган
гулдай ўғлонлар
Хокларидан униб чиқиб,
райҳони келди.

Минг бор дегиш ювиб,
Жайҳун ташлаб кетган юрт,
Дулдул отлар дарёсини ҳатлаб
ўтган юрт,
Тўрткўлсан, деб боболарим
хатлаб кетган юрт,
Буюк ипак йўлларининг
давоми келди.

РАҚАМЛАРДА ҲАЁТ АКС ЭТАР

Ўтган йили республика ташқи савдо оборати қарийб 171 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Унинг асосий қисми экспорт, қолган қисми импорт маҳсулотларини ташкил этади. Бу кўрсаткич 1994 йилга нисбатан икки ярим баробар кўпдир.

* * *

Чимбой, Тўрткўл шаҳарларига темир йўл етиб борди.

* * *

Нукус шаҳрида Тошкент аграр университетининг, педиатрия ва политехника институтларининг филиаллари очилди. Нукус педагогика институти, 36 та ҳунар-техника билим юрти ва 22 та ўрта-махсус билим юртлари фаолият кўрсатмоқда.

* * *

370 та болалар боғчаси, 498 та кутубхона, 333 та клублар, 3 та музей, шунча театр студияси ва 2 та кўп ўринли концерт заллари ишлаб турибди.

* * *

7 та катта стадион, 365 та спорт заллари, 385 та футбол майдонлари мавжуд. Шунингдек, 26 та спорт мастери, 403 та спорт мастерлигига номзод, 6 та халқаро тоифадаги спорт мастерлари етишиб чикди.

* * *

Ўтган йили аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 2018,5 миллион бўлиб, бу кўрсаткич 1996 йилга нисбатан 12,3 фоиз кўпдир.

* * *

Нукус шаҳрининг 60, Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллиги кенг нишонланди.

ОРАЛИҚ БОЗОР — ТЎКИНЛИК НИШОНАСИ

Нукус шаҳрининг қоқ ўртасида жойлашган ушбу оралиқ -- марказий деҳқон бозори ўзининг миллий кўриниши, кўркамлиги ва ҳудудининг кенглиги жиҳатдан бошқа турдошларидан кескин фарқ қилади. Аммо шунга қарамасдан бу ерда бозор ҳудудини кенгайтириш, янги расталар қуриб ишга тушириш бир зум ҳам тўхтаганича йўқ.

-- Ваҳоланки, бозоримиз бир ярим минг ўринга мўлжалланган, -- дейди бозор раҳбари Мурод Еримбетов. -- Аммо бу жойлар барибир камлик қилиб қоляпти. Сабаби мамлакатимизда тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очилгандан сўнг бозорларда қўшимча ўринларга талаб ортиб бормоқда. Шу боис ҳозир бозор ёнида яна икки юз ўринга мўлжалланган ёпиқ деҳқон бозори ва 20 дан зиёд дўконларни ишга тушириш мақсадида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Уни мустақиллигимизнинг етти йиллиги олдидан фойдаланишга топшириш режалаштирилган.



-- Ҳозир мамлакатимизда айни пишиқчилик пайти, -- дейди сўзида давом этиб Мурод оға. -- Лекин Қорақалпоғистон шароитида бундай маҳсулотлар кам етиштирилганлиги боис, йил бошида ўнга яқин вилоятлар деҳқонлари билан 200 дан зиёд шартнома туздик. Натижа ёмон бўлмади. Кўриб турганингиздек, Самарқанднинг майизу ёнғоқлари, Наманганнинг қирмизи олмалари, Сурхондарёнинг анору писталари расталаримизни безаб турибди. Вилоятдаги деҳқонлар бозорларимиз тўкин-сочинлигини таъминлаб туришлари учун уларга керакли шароитлар яратиляпти. Хусусан, яқинда бозор ҳудудида 45 ўринга мўлжалланган меҳмонхона, биратўла юз тонна маҳсулотни сақлайдиган омборхона ишга туширилди. Ўйлаймизки, деҳқонлар учун яратилаётган бундай қулайликлар бозорларимизнинг тўкин-сочинлигига хизмат қилади.

МЎМИН ФЕРМЕР ИСРОИЛГА БОРДИ

Қошқўра -- Элликқалъа туманидаги «Сарибий» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг аҳоли энг зич жойлашган қишлоқларидан бири. Ёпиқ турдаги «Илҳом» чорвачилик ҳиссадорлик жамияти худди шу қишлоқда жойлашган. Мўмин Жуманиёзов -- шу жамиятнинг раиси.

-- Халқимизда деҳқончилик бир йилда, чорвачилик қирқ йилда деган нақл бор. Демоқчиманки, сигирга суви-емини бир сафар вақтида бермадингми, шу куни сут эллик фоизга камаяди. Унинг маҳсулдорлигини ўз ўрнига қайтаргунча, бир ҳафта давомида озиқ-овқатни бир ярим баробар оширишга тўғри келади,- дейди раис.

Буни унча катта бўлмаган жамоанинг каттадан кичигигача яхши билади. Шундан бўлса керак, ўтган қисқа вақт ичида қорамоллар сони беш юздан 640 бошга етди. Ҳар йили уюшмаларга сотилаётган наслдор моллар ҳисобга кирмайди. Ҳар юз сигирдан 86 бош бузоқ олиняпти. Иш ҳақи бўйича муаммо йўқ. Чорвадорлар ўртача 3000-4000 сўмдан маош олишаяпти. Соф фойда... Ҳозирча йил охирини мўлжаллаб уч юз минглар мўлжалланяпти.

-- Соф фойда ҳақида гапирганда чорвадорнинг миллионларни тилга оладиган вақти келадими, — деймиз у кишига.

-- Келади, фақат бунинг учун энг аввало, ем-хашакни ўзимиз етиштиришимиз керак,-дейди у. - Шу боис бу йил донли экинларни кўпроқ экдик. Яна Думонқалъа мавзесидан 200 гектар яйлов олдик. 50 гектар ерни ўзлаштириб, озуқабоп экинлар экдик. Аммо миллионлар ҳақида гапириш учун булар етарли эмас. Чунки бунинг учун энг аввало ўзимизнинг сутни қайта ишлаш корхонамизга эга бўлишимиз лозим. Сабаби биз истаймизми, йўқми бошқа корхона йўқлиги боис кунига бозорда сотиладиган 150-200 литр сутдан ташқари, қолган 600-700 литр сутни «Нукуссут» ҳиссадорлик жамиятининг Тўрткўлдаги сутни қайта ишлаш корхонасига сотишга мажбурмиз. Ваҳоланки, «Нукуссут» ўтган йилдан буён жамиятимиздан қарийб 2 миллион сўм қарз.

-- Қачон сутни қайта ишлаш корхоналари кўпаяди, деб қўл қовуштириб ўтирадиган замон эмас, ахир.

-- Бундан икки ой аввал Тошкентдаги кўргазмада намойиш қилинган Исроилнинг сутни қайта ишлаш технологияси менга ёқиб қолди,- дейди у...

Яқинда Қошқўрага йўлим тушди. Суриштирсам, Мўмин ака кўргазмада учрашган хорижлик ишбилармонлар билан шартнома тузиш учун Исроилга кетибди. Шуни эшитдиму, Мўмин ака сўзининг устидан чиқадиган инсон эканлигига ионгим келди.

«ОЛТИН ЮЛДУЗ» МУБОРАК!

Яқинда «Қорақалпоқпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик уюшмасига Испаниянинг Мадрид шаҳридан хушхабар келди. Унда таъкидланишича, Беруний, Халқобод пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон андозалари талабларига жавоб берганлиги учун ҳар иккала корхона ҳам халқаро «Олтин юлдуз» мукофоти билан тақдирланганлиги билан қутланган эди.

Келгусида эса бу юксак мукофот мазкур корхоналарнинг жаҳон бозорларига чиқишида гувоҳнома вазифасини ҳам ўтайди.

«БОДАЙ ТЎҚАЙ» ҚЎРИҚХОНАСИДА

Беруний туманидаги «Бодай тўқай» деб номланган давлат қўриқхонасини ҳақиқий маънода умид қўрғони, дейиш мумкин. Зеро, тобора саёзлашиб бораётган Орол денгизи қирғоқларида бундай жаннат жойнинг бўлиши қувончлидир. Қўриқхона ҳудудининг асосий қисми, яъни 6462 гектари ўрмонзорлардан иборат.

Қўриқхонада ҳеч қаерда учрамайдиган ўсимлик дунёси мавжуд. Тўқайзорлар, ёввойи олмалар, олчалар, қорақанд, наъматаклар киши кўзини яшнатади. Кўплаб доривор ўсимликлар ҳам бор.

Қўриқхона хизматчилари ушбу ҳудуднинг ҳар бир қаричини кўз қорачиғидек асрашга интилмоқдалар. Ўрмонда яшайдиган ҳар бир жонивор ардоқда. Ўрмон хўжалигининг аҳил жамоаси бу ернинг ҳайвонот дунёсини ҳам яхши парваришламоқда. Бу ерда ёввойи чўчқалар, тулкию чиябўрилар, бўрсиқлар эркин ҳаёт кечиришмоқда. Заҳарли илонларнинг ҳам турлари кўп. Бургут, каклик, калхат ва тустовуқлар ҳам бу ерда бисёр.

Халқаро «Қизил китоб»га киритилган жониворларни асраб, уларни кўпайтиришдек фахрли ишга қўриқхона олимлари катта ҳисса қўшишмоқда. Улар орасида Бухоро буғуси -- хонгул алоҳида ажралиб туради. Ана шу гўзал жонивор қачонлардир Қорақалпоғистоннинг бепоён тўқай ўрмонларида хотиржам ва осойишта ҳаёт кечирарди. Бироқ табиатга нисбатан шафқатсизлик билан ёндашилгани кўплаб ўсимлик дунёси ва буғуларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлганди. Айни пайтда бу жониворлар янада кўпайтирилмоқда. Бугунги кунда қўриқхонада камдан-кам учрайдиган ноёб жониворлар тури 100 дан ортиқдир. Хонгуллар «Бодай тўқай» қўриқхонасида ўзларини яхши ҳис этишмоқда.



Ушбу гўзал масканда бўлган киши қадимий Қорақалпоғистон тупроғининг қайта туғилиб, янгиланиб бораётганлигини ҳис этади.

Айни пайтда қўриқхонада қилинаётган амалий ишларни кўриб, бу ерда меҳнат қилаётганлар ғайрат-шижоатига офаринлар айтишмоқда. Бинобарин, Оролбўйида мавжуд бўлиб турган ушбу умид қўрғони яқин келажакда бутун ҳудудда умид учқунларининг порлашига ишонгингиз келади.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ — ЖИНОЯТЧИЛИККА ТУШОВ

14 минг нусхада қорақалпоқ ва ўзбек тилларида нашр этиладиган «Одам ва Низом» газетаси энг чекка овулларга ҳам етказиб берила бошланди. Муҳими эса халқимизнинг прокуратура органларига нисбатан муносабати ўзгарди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига фақат жазоловчи эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи орган сифатида қарала бошланди. Халқимиз ўртасида олиб борган ана шу тарғибот-ташвиқот ишларимиз туфайли жиноятчилик ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда. Жумладан, 1991 йилда республикамиз бўйича 3938 та жиноят содир этилган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсатгич 38 фоизга камайди.

Х. ҲАЛИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори.

Қўш саҳифани Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, Рейимбой ЕШИМБЕТОВ тайёрлашди. Исмоил МАТЧОНОВ олган суратлар. Навбат НАВОИЙ вилоятига.

ЮКСАЛИШ ПОҒОНАСИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш эҳтиёжлари халқаро муносабатлар соҳасини, хусусан, дипломатия, ташқи сиёсат ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни кун тартибига долзарб масала қилиб қўйди. Ҳозиргача республикамиз 165 та давлат томонидан тан олинган. Тошкентда уларнинг 42 таси элчихона даражасида, 88 таси эса турли миқёсдаги дипломатик ваколатхона очганлар. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг ҳам дунёнинг 35 давлатида элчихоналари, турли даражадаги ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон Банки ва бошқа кўпгина халқаро иқтисодий тузилмаларга аъзо бўлиб кирди. Кўриниб турибдики, уларда самарали фаолият кўрсатиш кўп жиҳатдан юқори малакали, профессионал раҳбар кадрларга боғлиқдир.

Мамлакатимиз ҳукуматининг 1997 йил 13 мартдаги Қарори билан Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги раҳбар кадрлар бўгинининг, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, жамоат ва хўжалик тузилмаларининг ташқи алоқалар соҳасидаги фаолиятига жиддий эътибор қаратилди. Унга кўра ушбу соҳа мутахассисларини сиёсий ва касбий тайёрлашни тубдан яхшилаш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш истиқболлари бўйича илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштириш мақсадида Давлат ва жамият қурилиш академиясида «Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар» факультети ташкил этилди. Бундан ташқари факультет ташқи сиёсат, давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича дарсликлар, илмий-методик ишланмалар ва тадқиқотлар тайёрлаш билан бирга

1

ҚИЗЛАРГА ТОШКЕНТ ЁҚИБ ҚОЛДИ

ТЕННИС. Пойтахтнинг «Динамо» ўйингоҳи қарийб бир ҳафта мобайнида гавжумлашиб турди. Бу ерда учинчи марта халқаро «Челленжер» аёллар турнири ўтказилди. Мукофот жамғармаси 50 минг АҚШ доллари қилиб белгиланган бу мусобақада 29 мамлакатдан келган 32 нафар кучли теннисчи ўзаро баҳслашди. Маълумки, бултурги мусобақада Австрия теннисчиси Патриция Вартуш ғалаба қозонганди. Қизиғи шундаки, Вартуш бу сафар ҳам бўш келмади. У саралаш баҳсларини текис ўтказиб, ҳал қилувчи ўйинларда астойдил ғайрат қилди. Аввал Австралия ўйинчиси Аннабель Эллвудни 3:6, 6:4, 6:3 ҳисобида енгди. Кейин Вартуш япониялик Харуха Инуэга рўбарў бўлди. Ушоққина япон қизи ўзига хос қув чиқиб қолди. Унинг эътироф этишича, Тошкент ва тошкентликларни ёқтириб қолибди. Ҳамма теннисчи қизлар қатори келаси йили ҳам яна пойтахтимизга келишга тайёр. Аммо, баҳслашишда унинг ўзига хос усули бор экан. Хусусан, рақибини ортиқча ҳаракатлар билан уринтириб, чарчатиб, асабийлашгач хатога йўл қўйишидан фойдаланаркан. Аммо, тажрибали Вартуш бўш келмади. Харухани 6:4, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Финалда ҳам Вартушнинг омади чопди. У Исроил теннисчиси Ципори Обцилерни 6:3, 6:3 ҳисобида доғда қолдирди. Жуфтликлар баҳсида ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова билан белоруссиялик Татьяна Пучек АҚШ ўйинчилари Мелисса

Спорт

Маззота билан Фабиола Цулюага 6:3, 1:6, 7:5 ҳисобида ютқазиб қўймаганда, финалга чиққан бўларди. АҚШ теннисчилари ҳал қилувчи ўйинда Лариса Шаэрер (Парагвай) билан Мирослав Вавринец (Швейцария)ни енгиб (6:2, 6:1), ғалаба нашъасидан баҳраманд бўлишди. Мусобақа охирида анъанага кўра «Катта қалпоқ» турнири ўтказилди. Унда турли идора ва муассасаларнинг 30 жуфт раҳбарлари иштирок этди. Ғолиблик Кудратилла Муҳиддинов билан Обиджон Қўчқоровга насиб этди. Халқаро мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида баҳс ташкилотчилари -- Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Республика Теннис федерацияси президенти Р. Иноятов, Халқаро теннис мусобақалари ташкилотчиси С. Какшурилар иштирок этишди.

ЯГОНА БЎЛИШ ОСОНМАС

ФУТБОЛ. Мамлакат миллий чемпионатининг дастлабки давраси ўйинларининг якунланишига икки тур қолди. Буни яхши билган пешқадамлар мавқеларини мустаҳкамлаб, оралиқ маррада қарвонбоши бўлиб боришга зўр беришмоқда. Мухлисларни эса ҳозирча ягона пешқадам бўлиб турган пахтакорчиларнинг ўз мавқеларини сақлаб қолишлари кўпроқ қизиқтирмоқда. Афсуски, «Пахтакор» 13 турда учрашувни сафарда «Сўғдиёна» майдонида ўтказиб (1:1) қимматли очколар йўқотди. Ҳозир «Пахтакор» ҳисобида 30 та очко бор. «Нефтчи» эса «Зарафшон»ни қабул қилиб (3:1), 27 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Бухоро» -- «Сурхон» -- 0:0, «Темирйўлчи» -- «Хоразм» -- 3:1, «Андижон» -- «Металлург» -- 2:1, «Трактор» -- «Косонсой» -- 1:0, «Дўстлик» -- «Навбаҳор» -- 1:1, «Насаф» -- МҲСК -- 3:0.

ЎЗГАСИНИ ДАМ ДЕМА...

СПАРТАКИАДА. Кўпчилик дам олиш деганда кўк чойни дамлаб, ёнбошлаб ётиш деб тушунади. Ваҳоланки, мутахассислар таъбири билан айтганда маълум меҳнат турини иккинчи хили билан алмаштириш ҳам дам олишга киради. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпания раҳбарияти Мустақилликнинг етти йиллигига бағишлаб ўз жамоасида ўтказган спартакиада баҳсларини табрикласа арзийди. Бир ҳафта давом этган мусобақаларда раҳбарлардан тортиб энг кичик ходимларгача майдонга чорланди. «Амалдор», «Ойнаи жаҳон», «Тўлқин», «Мақом», «Коинот», «Садо», «Нексия», «Киночи» деб рамзий номлар қўйилган жамоалар спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, теннис, шахмат, шашка турлари бўйича ўзаро баҳслашдилар. «Амалдор» жамоаси аъзолари чапдастлик кўрсатишди.

Шукур ЖАББОРОВ

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 11 iyun, payshanba № 69 (22.306).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Жаҳонга йўл

шу соҳага оид концепциялар, дастурлар, лойиҳалар, тавсияларни илмий экспертиза қилишни амалга оширадиган етакчи марказ сифатида белгиланган.

Мана тўққиз ойдирки, ушбу факультетда 86 та номздодлардан тест синовлари йўли билан танлаб олинган 43 нафар тингловчи халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари, сиёсатшунослик, халқаро иқтисодий ва молиявий муносабатлар, дипломатия ва консуллик хизмати, ташқи сиёсат, инглиз ва немис тиллари, конфликтология, менежмент, маркетинг, макро ва микроиқтисодиёт, жаҳон динлари, маънавият, тарих каби фанлар бўйича ўз билимларини чуқурлаштирмоқдалар.

Тингловчилар Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини махсус ўргандилар. Ушбу асар жаҳон миқёсида сиёсий долзарб масалаларга бағишланиб, унда мамлакатимизнинг келажак ривожланиши дастурий йўналишларининг назарий ва амалий жиҳатлари батафсил кўрсатиб берилган. Асар ғояларини лозим даражада ўзлаштириш бўйича тингловчилар билан Республика Президенти Давлат маслаҳатчилари, Президент Девонининг масъул ходимлари, Ўзбекистоннинг қатор чет давлатлардаги элчилари, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг, қатор вазирликларнинг етакчи мутахассислари, олий ўқув юртларининг таниқли профессор-ўқитувчилари назарий ва амалий машғулотлар ўтказдилар.

Факультет тингловчиларига дарс бериш учун мамлакатимиздаги пешқадам профессор-ўқитувчилардан ташқари чет эллардаги турли илмий, сиёсий ва дипломатик марказлардан кўплаб мутахассислар таклиф этилди. Зеро, Президентимиз И.Каримов Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, юксак даражадаги мутахассисларни тайёрлаш учун ҳозирча «ўз ўқув қўлланмаларимизни яратиб улгурганимиз йўқ. Шунинг учун бу ерда, биринчи навбатда, бошқарув ходимларини тайёрлайдиган хорижий йирик марказларнинг тажрибаси, дастурлари ишга солиниши даркор. Бу ўринда анчадан буён махсус курслар, марказлар, махсус ўқитиш модулларининг кенг тармоғига эга бўлган Франция, Германия, АҚШ мамлакатлари тажрибасини эслаш кифоя.

Бундан ташқари, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки, Европа Иттифоқи Комиссияси каби халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг институтлари нафақат ўз мутахассисларини, балки собиқ социалистик мамлакатлар учун ҳам ходимларни қайта тайёрлаш бўйича бой тажрибага эга».

Шунинг учун тингловчиларнинг илмий ва назарий билимларини янада бойитиш мақсадида ўқув жараёнида Рединг университети профессори Крейг Бакер, Ноттингем университети профессори Жон Майкл Корингхэм (Буюк Британия), Бонн университети профессори Эдвард Пабш (Германия), Маъмурий тизим ва кадрлар масалалар институти директори, профессор

2

Ку Тасиро, шу институтнинг профессори Цутомо Шибата, Токио Иқтисодиёт институти профессори Нориюки Такаяма (Япония), Вена университети доценти Питер Рознер (Австрия), Нью-Йорк Давлат университети профессори Амину Саркар (АҚШ) ва бошқалар ўзларининг қизиқарли маърузалари билан иштирок этдилар.

Профессор Крейг Бакер факультет тингловчилари билан мулоқотдан олган таассуротларини қуйидагича ифодалади: «Мен ишонаманки, фақат ҳукуматлар миқёсидаги ва алоҳида шахслар ўртасидаги дипломатик муносабатлар орқали тинчлик ривож топади. Бизга дипломатия жуда зарур, чунки у келишмовчилик ва зиддиятларнинг олдини олишни таъминлайди. Янги факультетнинг ташкил этилиши бу соҳанинг муҳим эканлигини таъкидлайди... Тингловчиларнинг дипломатия ҳуқуқи йўналишидаги билимлари менда катта таассурот уйғотди. Бу уларнинг кўп қиррали жиддий саволларида ҳам кўринади...»

Қатор етакчи халқаро сиёсий, молиявий ва бошқа ташкилотларнинг тажрибали вакиллари факультет тингловчилари билан амалий ва назарий машғулотлар ўтказиб келмоқдалар. Жумладан, ҳуқуқшунос Бен Ирвин (АҚШ) «Халқаро савдо ва божхона иши», Америка юристлари ассоциацияси вакили Катерина Маккоун АҚШнинг ҳуқуқий тизими, мавзулари бўйича тингловчилар билан мулоқот олиб бордилар.

Тингловчиларнинг бўлажак хизмат фаолиятларида зарур малака ва билимларни ўзлаштиришлари учун Академия раҳбарияти томонидан Тошкентда фаолият кўрсатаётган кўплаб хорижий дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбарлари билан учрашувлар ташкил этишга жиддий аҳамият қаратган. Халқаро муносабатларнинг долзарб муаммолари бўйича тингловчилар Франция элчиси жаноб Жан Клод Ришар, Япония элчиси жаноб Коичи Обата, Польша элчиси жаноб Богуслав Качински, Покистон элчиси жаноб Шахриёр Рашид, Малайзия элчиси жаноб Шаарани, АҚШ Давлат департаменти маслаҳатчиси жаноб Фредерик Флот ва бошқа юқори мансабдор хорижий дипломатлар билан мулоқотда бўлдилар. Шунингдек, тингловчиларда Малайзиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Дато Ризван Кушайри жаноблари ўтказган маърузалар катта қизиқиш уйғотди.

Япония ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасидаги келишувга кўра, Кунчиқар мамлакат Халқаро ҳамкорлик агентлигининг (ЖАЙКА) 2000 йилгача мўлжалланган дастур ва ўқув режалари бўйича ўтказилган семинарлар факультет тингловчилари учун айниқса самарали бўлди. Унда японияликлар ўз мамлакати маъмурий тизим ва давлат бошқаруви тўғрисида тўхталиб кўпгина саволларни ойдинлаштирдилар. Якунловчи машғулотда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Академия ректори, профессор А.Азизхўжаев ва Япониянинг мамлакатимиздаги элчиси жаноб Коичи Обата фикр алмашдилар. Бу семинарнинг навбатдаги босқичи шу йилнинг 17 мартида бўлиб, бир гуруҳ тингловчилар Японияга амалиёт ўташ учун таклиф қилиндилар.

Факультетда ўқув машғулотларни ўтказиш замонавий

3

таълим стандартлари асосида олиб борилади. Хусусан, бу ерда ўқитишнинг маъруза, семинар, видеодарслар, амалий ўйинлар (шу жумладан электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланган ҳолда ясама ва таркибий моделлаштириш ўйинлари), ишлаб чиқариш ва тил амалиёти, якуний тест саволлари ҳамда тингловчиларнинг мустақил машғулотлари кўринишларидан кенг фойдаланилади.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, факультетда Ўзбекистонда нафақат ўзининг анъанасига эга бўлмаган, балки умуман ўқитилмаган янги ўқув дастурлари ўтилиши ҳам йўлга қўйилди. Жумладан, Академиянинг биринчи проректори, профессор З.Жумаев раҳбарлигида конфликтология ўқув предмети ўқитила бошланди ва тингловчиларда жиддий қизиқиш уйғотди.

Академия ўқув тизимининг бутунжаҳон телекоммуникация ва ахборот тармоғи «Интернет»га уланганлиги факультет тингловчилари учун жаҳоннинг истаган мамлакати кутубхоналари, ахборот марказлари материалларидан фойдаланиш имконини яратди. Натижада Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий идораларида бўлажак раҳбарлар ҳамда мутахассисларнинг ҳар томонлама, тўла академик маълумот олиши учун зарур бўлган тезкор ва фундаментал ахборотлар билан таъминлаш мумкин бўлмоқда.

Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультети тингловчилари 12,5 ойлик ўқув дастури давомида мутахассислик талабларига кўра Ташқи ишлар вазирлигида, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ва чет элларда уч ойлик амалиётни ўтказадилар. Бу эса чет тилларни билишни талаб этади. Шу туфайли Академияда чет тилларни пухта ўргатиш йўлга қўйилган ва билимлар тингловчиларнинг амалий фаолиятида қўл келмоқда.

Академия факультети тингловчилари учун етакчи хорижий ўқув ва бошқа марказларда стажировка ўтишларига тегишли шароитлар яратилган. Ушбу ишлар ТАСИС, АЙРЕКС, ЖАЙКА, АКСЕЛС, КОИКА ва бошқа хорижий ташкилот ва фондлар билан Академия олиб бораётган ҳамкорлик натижасида амалга оширмоқда. Шу муносабат билан Австрия, Германия, Франция, АҚШдаги давлат хизматчиларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича марказларда стажировкалар ташкил этилмоқда.

Жаҳондаги илғор тажрибаларни ўзлаштириш ва олган билимларни амалда тадбиқ этиш мақсадида тингловчилар Германия,Австрия, Корея Республикаси ва Туркияда хизмат сафарларида ҳам бўлиб, қайтдилар.

Тингловчилар факультетдаги ўқув дастурини магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан якунлайдилар. Уларга «Халқаро муносабатлар магистри» ва «Халқаро иқтисодий муносабатлар магистри» даражалари берилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Академиянинг Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультети халқаро муносабатлар, дипломатия ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида мустақил республикамизга зарур раҳбар кадр ва етук мутахассисларни тайёрловчи масканга айланади. Факультет Ўзбекистонда ушбу соҳалар бўйича нафақат илмий-назарий, балки амалий мавқеини эгаллаган етакчи марказ бўлиб қолади.

Сирож АЗИЗОВ,
Бахтиёр ЭЛТАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари

4

КЎНГИЛДАГИ ҚАТРАЛАР

Сут оппоқ, беғубор, айрон ҳам, лекин иккисининг мазаси бир-биридан кеча билан кундуздек фарқ қилади.

* * *

Нодон бошқалар фикрини тан олмайди ва ўз билганидан қолмайди.

* * *

Кунлар дарёдек шошиб ўтаркан, дилга гоҳ шодликдан гавҳар, гоҳ ғамдан қуйқа ташлаб кетади.

* * *

Доно янглишмагани учун эмас, янглишганини англагани учун доно.

* * *

Ёлғиз аёл боғбонсиз боққа ўхшайди. Ҳар ўткинчи унга қўл узатади ёки тош отади.

* * *

Турмуш ташвишлари, дард-аламлар эговга ўхшайди. Улар инсонни сездирмасдан емириб боради.

Маъсуда ЁҚУБОВА

КАШАНДАНИНГ ИҚРОРИ

-- Чекиш фойдали дегувчилар қаттиқ янглишадилар. Ўзимдан қиёс. Тўғри, озгинаси холестерин, яъни қон томирлардаги ёғни йўқотишга, демак, қон босими ошишининг, хотира сусайишининг барҳам топишига ёрдам беради, деган фикр билан чека бошлаган эдим. Аммо кўп чекиш -- акси экан: нерв (асаб) томирларимни яллиғлантириб юборди. Тез-тез жаҳл қиладиган ёмон одат чиқардим.

Бунинг устига у иликни кемиради. Бор қувватни қирқади. Асабни егани ҳам майли экану, еганинг юқмас экан. Ютганинг ичингга тушмайди. Танага зарур ҳар қандай моддани еб битиради бу оғу!

Чекиш -- писта чақиш эмас, хуллас. Пистада-ку ёғ бор. Аммо унда отни ҳам йиқитувчи заҳар бор. У аввалига қон томирларининг «занги»ни кеткизгандек кўринар экану, аммо кейин-кейин бориб нақ томирларнинг ўзига ҳужум қиларкан!

Ҳатто шакарнинг ози ширину. Заҳар оз бўлса кошки. Халқимиз хўб билиб айтган экан ўзи.

Кам чекишга ирода етмайдими ё? Бу -- Афанди ўзи ўтирган шохни арралаётгандек даҳшатли, ўта ахмоқона иш экан!

Ҳабиб ЭЛЁРОВ.

ЎЙИНГОҲГА ҚУЁШ НУР СОЧАР МУДОМ

Орзиқиб кутилган дамлар бошланди. Кеча Франциянинг Сен-Дени шаҳрида жаҳон чемпоинати учун атайлаб қурилган, саксон минг томошабинга мўлжалланган «Stade France» ўйингоҳида улкан футбол байрами бўлиб ўтди. Асримизнинг сўнгги жаҳон чемпионатини ҳар жиҳатдан эслаб юрадиган, воқеаларга бой бўлиши учун саъй-ҳаракат қилган ташкилотчилар ниятларига етишди, десак муболаға бўлмас. Мухлислар Бразилия—Шотландия терма жамоалари ўртасида ўтказилган дастлабки учрашувнинг шоҳиди бўлдилар. Шу куни яна Марокаш -- Норвегия жамоалари ҳам майдонга тушдилар.

Умуман, йирик спорт анжуманларидан ҳисобланган мухлислар ҳамиша орзиқиб кутадиган бундай жаҳон чемпионатларини ташкил қилиш ва давомийлигини таъминлашда франциялик футбол жонкуярларининг ҳиссалари беқиёс. Гап шундаки, бугунгача ўтказилган жами чемпионатлар ўйинларини қарийб 55 миллиард мухлис томоша қилганлиги бундай ўйинларга қизиқиш бениҳоя катталигини кўрсатади. Агар 1904 йилнинг 21 май куни Парижда ФИФА -- Халқаро футбол федерациясига асос солинмаганида бундай бетакрор ва муросасиз томошалар қаёқда эди, дейсиз. Зеро, жаҳон чемпионатларини ўтказиш ташаббуси француз Жюль Римега тегишли эди. У 1921 йили ФИФАга бошчилик қила бошлади ва у биринчи бўлиб «Футбол ўйингоҳларида қўёш нур сочар мудом» деган шиорни ўртага ташлаган эди. Риме башоратчи экан, узоқни кўра билган. Ўшандан бери ўтказилиб келинаётган ҳар бир жаҳон чемпионати ўзига хос тарихга айланмоқдаки, бу тўғридаги маълумотлар минглаб ашаддий мухлислар ён дафтарига жо бўлган. Айнан Жюль Риме буюртмаси билан парижлик заргар Абель Лефлер ФИФА кубоги -- «Олтин маъбуда»ни яратган.

Ўзига хос тарихга эга бўлган қимматли «Олтин маъбуда»нинг саргузашти қизиқ. Бу кубокнинг баландлиги 30 сантиметр бўлиб, дастагидан ташқари ҳайкалча сиймоси соф 1800 грамм олтиндан қуюлган эди. 1970 йили Бразилия терма жамоаси бу кубокни учинчи марта қўлга киритган. Кейин 1983 йили қароқчилар томонидан ўғирланган. Зўр бериб олиб борилган тергов ва қидирув ишлари фойда бермаган. Ҳозир «Олтин маъбуда» эритиб юборилган деган хулосага келинган. 1974 йили ФИФА янги кубок яратди. Италия заргари Сильвио Газзанинга томонидан яратилган бўлиб, жами оғирлиги 4970 граммга тенг, бўйи 36 сантиметр. Санъаткор бу кубокни самога юлқиниб турган икки футболчининг баландга кўтарилган қўлида қурраи заминимизни ушлаб турган ҳолатда акс эттирган.

Ҳайдар НОСИРОВ

Тадбиркор, ишбилармон жаноблар, савдо шаҳобчаларининг раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ МУЗҚАЙМОҚ ЖАМОА КОРХОНАСИ

Сизларни барчанеизни ўлкамизга кириб келган ёз фасли билан самимий муборакбод этиб, жазирама кунларда ўзимизнинг лаззатли, муздеккина музқаймоқларимизни улгуржи сотиб олишга

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Сиз бу корхонадан сариёғли, қаймоқли, шоколадли, мевали ва бошқа турдаги музқаймоқларни пул ўтказиш йўли билан харид қилишингиз мумкин.



Жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли ва тотли маҳсулотларимиз сизга мунтазир!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 2-тор кўча, 4-уй. Маълумот учун телефонлар: 93-35-12, 93-34-34, 93-09-47, 91-30-17.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 50-сонли қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли № 01 рақамли йўқолган тамғаси (штамп) БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги ёпиқ турдаги «Саноат» акционерлик жамияти ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 90-40-31

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Ал-Жамшидбек» фирмаси ТУГАТИЛАДИ

Барча даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 94-11-75 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Алишер РЎЗИЕВ, навбатчи Нурбек ТОШНИЁЗ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 27.543 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 080

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.20.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА